

# ПОСТАНОВЛЕНИЕ

## КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПРАВИЛ БЕЗОПАСНОСТИ ГАЗОВОГО ХОЗЯЙСТВА

г. Ташкент,

16 марта 2019 г.,

№ 226

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ГАЗ ХЎЖАЛИГИДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 16 июлдаги 538-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.
3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгандан кейин кучга киради.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.В. Гулямов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 март,  
226-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 226-сон қарорига  
**ИЛОВА**

#### **Газ хўжалигида хавфсизлик**

#### **ҚОИДАЛАРИ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу қоидалар аҳоли пунктларида жойлашган газ таъминоти тизимида, саноат корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва коммунал-маиший соҳа ташкилотларининг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) газ қувурларига қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**авария** — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техник қурилмаларнинг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддаларнинг чиқиши;

**блокировкаловчи қурилма** — ташқи таъсир натижасида хавфсизлик талаблари бузилган ҳолатларда ёки технологик режим бузилган вақтларда газни ёки технологик қурилмани ишга тушириш имконини бермайдиган ускуна;

**газдан хавфли ишлар** — газланган муҳитда ёки газ чиқиш эҳтимоли мавжуд газ қувурларида, сиғимларда ва агрегатларда бажариладиган ва бунинг оқибатида инсонлар заҳарланиши, газ алангаланиши ва портлаш содир бўлиши мумкин бўлган ишлар;

**газ** — ёқилғи сифатида фойдаланиш учун конлардан қазиб олинadиган табиий газ, нефть гази, газ ва нефтни қайта ишловчи саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган газлар;

**газ қувурлари** — муҳити газ бўлган қувур ўтказгичлар;

**газни тартибга солиш пункти (ГТП) ва газни тартибга солиш қурилмаси (ГТҚ)** — газ тақсимлаш тармоқларидаги газ босимини пасайтириш ва уни белгиланган даражада сақлаб туриш учун мўлжалланган технологик қурилма;

**газ хизмати** — ташкилотларда газдан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун газ хўжалиги тизимлари объектлари эгалари томонидан ташкил этилган таркибий бўлинма;

**газ хўжалиги** — ташкилот ҳудудидаги газлаштирилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший биноларнинг газ жиҳозлари, газ қувурлари, суюлтирилган углеводород гази қурилмалари, газ қувурларидаги иншоотлар, электр кимёвий емирилишдан ҳимоялаш воситалари, ГТП ва ГТҚлар;

**газ таъминоти ташкилоти** — техник меъёрлар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда табиий газ ва суюлтирилган газни қабул қилиш, тақсимлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришни таъминловчи ташкилот;

**газ хўжалиги техник қурилмалари** — газдан ёқилғи сифатида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш печлари, қозонлари, газ генераторлари, суюлтирилган углеводород гази қурилмалари ва бошқалар;

**газ хўжалиги тизимлари объектлари** — ташкилот ҳудудида жойлашган газлаштирилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший биноларнинг газ жиҳозлари, газ қувурлари, суюлтирилган углеводород гази қурилмалари, газ қувурларидаги иншоотлар, электр кимёвий емирилишдан ҳимоялаш воситалари, ГТП ва ГТҚлар;

**газ хўжалиги тизимлари объектларининг эгалари** — тасарруфида газ хўжалиги тизими объектлари бўлган ташкилотлар;

**газнинг хавфли концентрацияси** — газни энг пастки алангаланиш чегарасининг 20 фоизидан ошадиган ҳаво таркибидаги концентрацияси (газнинг ҳажмли улуши);

**газ таъминоти тизими** — газ тақсимлаш станциясидан истеъмолчиларга етиб борадиган газ қувурлари, суюлтирилган углеводород гази қурилмалари, газ қувурларидаги иншоотлар ва электр кимёвий емирилишдан ҳимоялаш воситалари, саноат корхоналарининг газ жиҳозлари, ГТП ва ГТҚлар;

**инцидент** — хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлатиладиган техник ускуналарнинг шикастланиши ёки тўхташи, технологик жараён режимидан четга чиқиши, қонунчилик ҳужжатларида бўлган, шунингдек, саноат хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий техник ҳужжатлардаги талабларнинг бузилиши;

**ихтисослаштирилган ташкилотлар** — асосий фаолият тури газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш, қуриш (монтаж қилиш), таъмирлаш, қайта қуриш, ишга тушириш-

созлаш, фойдаланиш ва путур етказмайдиган назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширувчи ташкилотлар;

**коммунал-маиший соҳа ташкилотлари** — овқат тайёрлаш, иситиш ёки иссиқ сув таъминоти мақсадида ёқилғи сифатида табиий газдан фойдаланувчи, 1 та газ ускунасининг йиллик газ сарфи 100000 куб метрдан юқори бўлган ташкилотлар ёхуд ҳажми 150 литрдан ортиқ бўлган суюлтирилган углеводород газидан фойдаланувчи ташкилотлар;

**маиший газ баллони** — суюлтирилган углеводород газини сақлаш, ташиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ёпқич мосламали пайвандланган пўлат баллон, ортиқча босими 1,6 мегапаскал (бир квадрат сантиметрда 16 килограмм)дан юқори бўлмаган сиғим;

**маиший газ асбоблари** — газдан ёқилғи сифатида ва ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган газ плиталари, сув иситиш қозонлари ва печлар;

**печ ва дудбуронларни қуриш ва кўриқдан ўтказиш хизмати (кейинги ўринларда Дудбуронлар хизмати деб аталади)** — тегишли далолатнома тузган ҳолда печларни қуриш, монтаж қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, дудбуронлар, шамоллатиш каналларини кўриқдан ўтказиш, тозалаш ва носозликларни бартараф этиш ишлари билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилот;

**саноат корхоналари** — ёқилғи сифатида табиий газдан фойдаланувчи, 1 та газ ускунасининг йиллик газ сарфи 100000 куб метрдан юқори бўлган ишлаб чиқариш характериға эға ва эға бўлмаган ёхуд йилиға 150 литрдан ортиқ суюлтирилган углеводород газидан фойдаланувчи истеъмолчилар;

**сигнализация** — назорат қилинадиган параметрларнинг юқори ва қуйи ўлчамларға етиш ҳолатларида овоз ёки ёруғлик ёрдами билан хабар берилишини таъминлайдиган ускуна;

**суюлтирилган углеводород гази (СУГ)** — табиий газ, нефть ва газ конденсатини қазиб олишда ва қайта ишлашда олинадиган, асосий компонентлари пропан ва бутан бўлган газ;

**техник хизмат кўрсатиш** — маҳсулот (техник қурилма)дан мақсадли фойдаланиш, сақлаш ва етказиб беришда унинг иш қуввати ёки созлигини сақлаб туриш бўйича бажариладиган операциялар комплекси ёки якка операция;

**ташқи газ қувури** — кирувчи газ қувуридан олдин ўрнатилган ўчирувчи мосламагача бўлган ер ости ва ер устидан ёки бинонинг кириш жойидаги филофгача бўлган ер остидан ўтказилган газ қувури;

**таъмирлаш** — газ қувурлари ва унда ўрнатилган иншоотларнинг созлиги ёки иш қувватини тиклаш ҳамда унинг ресурсларини ёки асосий қисмларини тиклаш бўйича бажариладиган операциялар комплекси;

**қишлоқ хўжалиги корхоналари** — иссиқхона, консерва ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи ёқилғи сифатида табиий газдан фойдаланувчи, 1 та газ ускунасининг йиллик газ сарфи 100000 куб метрдан юқори бўлган ишлаб чиқариш характериға эға ва эға бўлмаган ёхуд йилиға 150 литрдан ортиқ суюлтирилган углеводород газидан фойдаланувчи истеъмолчилар.

3. Мазкур Қоидалар ёқилғи сифатида фойдаланиладиган босими 1,2 мегапаскалдан юқори бўлмаган табиий газ ва босими 1,6 мегапаскалдан юқори бўлмаган СУГ билан таъминлаш тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишда қўйиладиган талабларни белгилайди.

Қоидалар қуйидагиларға татбиқ қилинади:

аҳоли пунктларида жойлашган газ таъминоти тизимига;  
саноат корхоналарнинг, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва коммунал-маиший соҳа ташкилотларининг газ қувурлари ҳамда улардаги қурилма ва жиҳозларга.

#### 4. Қоидалар:

турар жойлар ва улардаги ички газ қувурлари ва газ жиҳозларига;  
газни хомашё сифатида ишлатувчи кимё, нефть-кимё, нефть ва газни қазиб чиқариш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноат корхоналарининг технологик газ қувурлари ва газ жиҳозларига;

қора металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг газ хўжаликларига;

газ билан ишлаётган тажриба ва экспериментал агрегатлар ва қурилмаларга;

автомобиль ва темир йўл транспорти, дарё, денгиз ва ҳаво кемаларининг газ жиҳозлари, шунингдек, газдан фойдаланадиган кўчма қурилмаларига;

газ-ҳаво аралашмаларининг портлаш кучидан фойдаланувчи ёки ҳимоя газлари олишга мўлжалланган қурилмаларга татбиқ этилмайди.

5. Муҳандис-техник ходимлар учун билимларни синовдан ўтказиш 3 йилда бир марта, ишчи-ходимлар учун эса бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

6. Пўлат ва полиэтилен газ қувурларини пайванд қилиш ишларини бажариш техник ўқув курсларида ўқитилган ва аттестациядан ўтказилган пайвандчиларга рухсат этилади.

7. Газ жиҳозлари, техник қурилмалар, газ қувурларидан фойдаланиш ва созлаш, қуриш, автоматик ҳимоя ва сигнализация тизимлари, электр кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, шунингдек, газда ишловчи қурилма ва асбоблардан фойдаланиш билан банд бўлган ишчилар мустақил ишга қўйилишидан олдин тажрибали ишчилар раҳбарлигида камида ўн кунлик иш амалиётидан ўтадилар.

#### **2-боб. Лойиҳалаш ва қуриш**

8. Газ хўжалиги тизимлари объектларини лойиҳалаш ишлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган, ихтисослаштирилган лойиҳалаш ташкилотлари томонидан бажарилади.

9. Шаҳарлар, аҳоли яшаш пунктлари ва газ истеъмолчиларининг газ хўжалиги тизимлари объектларини лойиҳалаштиришда газ таъминоти ташкилоти томонидан газ билан узлуксиз ва хавфсиз таъминлашни, шунингдек, саноат корхоналарининг газ хўжалиги тизимларини тезкорлик билан ўчириш имкониятини таъминлаши шарт.

10. Газ таъминоти тизимларини қуриш ва ўрнатишга оид лойиҳа ҳужжатлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шунингдек, амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мос бўлиши лозим.

Газ хўжалигидаги табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланувчи техник қурилмаларни лойиҳалашда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлган газ сигнализаторлари томдаги ва операторсиз қозонхоналарга ўрнатилиши шарт.

Газ хўжалигидаги суюлтирилган углеводород газидан ёқилғи сифатида фойдаланувчи техник қурилмаларни лойиҳалашда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлган газ сигнализаторлари қуйидаги объектларда ўрнатилиши мумкин:

ҳажми 150 литрдан ортиқ бўлган баллонли қурилмалар гуруҳига;

автоном тизимли газ таъминотига;

суюлтирилган углеводород газидан фойдаланувчи қозонхона ва бошқа қурилмаларга.

Газ сигнализаторлари қуйидагича ўрнатилади:

табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланувчи техник қурилмалар ўрнатиш хонанинг юқори қисмига (хона шифтидан 30 сантиметрдан ортиқ пастда бўлмаслиги лозим);

суюлтирилган углеводород газидан ёқилғи сифатида фойдаланувчи техник қурилмалар ўрнатиш хонанинг паст қисмига (хона полидан 30 сантиметрдан юқори бўлмаслиги лозим).

11. Лойиҳа ҳужжатлари, берилган техник шартларга мос равишда ишлаб чиқилганлиги газ таъминоти ташкилоти томонидан текширилиб, келишилган бўлиши лозим.

12. Газ хўжалиги тизимлари объектларини лойиҳалаш, қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервация қилиш, тугатиш ва фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

13. Газ таъминоти тизимларини қуришда пайвандлаш, изоляциялаш ва бошқа қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Газ жиҳозлари, ускуналари, асбоблари ва уларнинг қисмлари, шу жумладан, чет элдан келтириладиганлари, техник регламентлар ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мос келиши ва тасдиқловчи тегишли ҳужжатларга эга бўлиши зарур.

15. Газ хўжалиги тизимлари объектларида монтаж, таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун қуйидаги фаолият турлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасидан (кейинги ўринларда Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси деб аталади) рухсатнома олиниши лозим:

а) газ хўжалиги тизимлари объектларининг газ қувурлари бўйича:

юқори, ўрта ва паст босимли ер усти пўлат газ қувурларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бир йил муддатга берилади;

ўрта ва паст босимли ер усти пўлат газ қувурларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бир йил муддатга берилади;

юқори, ўрта ва паст босимли ер ости пўлат газ қувурларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бир йил муддатга берилади;

юқори, ўрта ва паст босимли полиэтилен газ қувурларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бир йил муддатга берилади;

б) газ истеъмол қилувчи газ хўжалиги тизимлари объектлари бўйича:

газ истеъмол қилувчи газ хўжалиги объектларида ишга тушириш-созлаш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бир йил муддатга берилади;

газ истеъмол қилувчи газ хўжалиги объектларини ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома икки ойгача муддатга берилади;

в) газ хўжалиги тизимлари объектларининг техник қурилмалари бўйича:

суюлтирилган углеводород газ сақланадиган босим остида ишлайдиган сиғимлар ҳамда ҳажми 150 литрдан юқори бўлган баллонлар гуруҳини монтаж қилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бир йил муддатга берилади;

суюлтирилган углеводород газ сақланадиган босим остида ишлайдиган сиғимлар ҳамда ҳажми 150 литрдан юқори бўлган баллонлар гуруҳини ишга туширишдан олдин улардан фойдаланишга бир марталик рухсатнома берилади.

Юқорида қайд этилган бир қанча фаолият турларига умумлаштирилган битта рухсатнома берилиши ҳам мумкин. Бунда унинг амал қилиш муддати ҳар бир фаолият тури учун алоҳида белгиланади.

16. Газ хўжалиги тизимлари объектларининг қурилиш-монтаж ишлари лойиҳага асосан амалга оширилиши лозим.

17. Газ хўжалиги тизимлари объектларини қабул қилиш комиссиясига шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ тегишли ташкилотлар вакиллари киритилади.

18. Буюртмачи қабул комиссиясини ишлаш санаси ва жойи ҳақида ишни бошлашдан камида 5 кун олдин огоҳлантириши лозим.

19. Фойдаланишга қабул қилаётган комиссияга қурилиш сифатини қўшимча текшириш учун ер ости газ қувурининг исталган бўлагини очиб кўриш ҳамда қўшимча хулосалар учун қайта синов ўтказиш ҳуқуқи берилади.

20. Қабул қилиш комиссиясига ижро-техник ҳужжатлар тақдим этилади.

21. Қуриб битказилган объектлар шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ қабул қилиниши зарур.

22. Газ хўжалиги тизимлари объектларининг техник қурилмаларини ишга тушириш-созлаш ишлари ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари бўйича бажарилиши керак.

### **3-боб. Газ хўжалиги тизимлари объектларидан фойдаланиш**

23. Ишга тушириш-созлаш ишлари бажарилмасдан газ истеъмол қилувчи ташкилотлар газ хўжалиги тизимлари объектларидан фойдаланиши мумкин эмас.

24. Газ хўжалиги тизимлари объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга қуйидаги вазифалар юкланади:

мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиш, газ хўжалиги тизимлари объектларининг соз ҳолатда сақланишини таъминлаш, шу жумладан техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун комплекс чора-тадбирларни бажариш ҳамда уч босқичли назорат тизимини олиб бориш;

ижобий тиббий хулосага ва малакаси етарли бўлган ходимларга эга бўлиш;

ходимларни ўз вақтида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва билимларини текширишни ташкил этиш;

индивидуал ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

газ хўжалиги тизимлари объектларида ишларни хавфсиз олиб бориш услуби ва тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга эга бўлиш;

саноат хавфсизлиги талаблари бўйича ишлаб чиқариш назоратини ўрнатиш ва ташкил этиш;

назорат тизими ва ўлчов асбобларининг бўлиши ва ишлашини таъминлаш;

аввал қурилган газ хўжалиги тизими объектларига мазкур Қоидаларнинг **10-бандига** мувофиқ газ сигнализаторлари ўрнатиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш;

мазкур Қоидаларга мувофиқ газ жиҳозлари, ускуналари, иншоотлари ва газ қувурларининг техник ҳолатини диагностика қилиш ва техник кўриқдан ўтказишни таъминлаш;

газ хўжалиги тизимлари объектларида содир бўлган авариялар, инцидент ёки бахтсиз ҳодисалар тўғрисида мутасадди органларга белгиланган тартибда хабар бериш;

авария, инцидент ёки бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, мутасадди органларга уларнинг келиб чиқиш сабабларини текширишда ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳисобга олиш чораларини кўриш.

Газ хўжалигида ишлатиладиган ўлчов асбоблари Ўзбекистон Республикаси ўлчов асбоблари Давлат реестрига киритилиши, белгиланган тартибда текширилиши ва текшириш ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак.

25. Газ хўжалиги тизимлари объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари:

газ билан таъминловчи ташкилотлар, шунингдек, шартнома асосида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарувчи ташкилотлар билан алоқа қилиш;

газ таъминоти ташкилоти билан шартномада кўрсатилган миқдорда белгиланган техник меъёрлар ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда табиий газ ва суюлтирилган газни томонлар ўзаро келишган тартибга мувофиқ узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;

шартнома бўйича газ хўжалиги тизимлари объектларини монтаж қилувчи, ишга тушириш-созлаш ишларини бажарувчи ва таъмирловчи ташкилотлар рухсатномаси нусхасига эга бўлиш;

газ таъминоти лойиҳаларини кўриб чиқишда ва газлаштирилган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олувчи комиссиялар ишида қатнашиш.

26. Газ хўжалиги тизимлари объектларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва бажариш тартиби мазкур Қоидалар ҳамда жиҳоз ва агрегатларнинг техник ҳужжатлари бўйича белгиланади.

Газ хўжалиги тизимлари объектларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича режа-жадвал газ хўжалиги тизимлари объектларига эга ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Газ жиҳозига техник хизмат кўрсатиш ишлари шартнома асосида амалга оширилади.

Газ жиҳозига техник хизмат кўрсатиш ишлари шартнома асосида ташкилотлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвалларга асосан бажарилади.

27. Газ билан кесиш, пайвандлаш ва газ алангаси билан ишлов беришнинг бошқа турларига оид ишлар, шунингдек, бошқа манбалардан очик оловни қўллаш ишлари мазкур Қоидалар талабларига асосан бажарилади.

28. Газ хўжалиги тизимлари объектларидан техник фойдаланиш билан шуғулланувчи шахслар учун лавозим, ишлаб чиқариш, хавфсиз ишлаш услублари ва ёнғин хавфсизлигига оид йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак.

Йўриқномалар газ хўжалиги тизимлари объектларининг хусусиятлари, жиҳозни ишлаб чиқарган завод талабларини ва ишлаб чиқаришнинг аниқ шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

29. Лавозим йўриқномасида раҳбарлар ва мутахассисларнинг ҳуқуқ ва вазифалари аниқ белгиланади.

30. Ишлаб чиқариш йўриқномаси турли жараёнларни бажаришнинг технологик кетма-кетлиги, бажариладиган ишлар сифатини текшириш услублари ва ҳажмларини ўз ичига олади.

Газ жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашдаги ишлаб чиқариш йўриқномаларига беркитиш арматураси ва назорат-ўлчов асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган схемалар илова қилинади.

Объектларда қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш ҳамда технологик жараённи ўзгартириш учун жиҳозлар ишга туширилгунга қадар ишлаб чиқариш йўриқномаси ва технологик схема қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Ушбу объектлардан фойдаланишга алоқадор барча ишчи-ҳодимлар амалга оширилган ўзгаришлар татбиқ этилгунга қадар навбатдан ташқари йўриқномадан ўтказилади.

31. Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ҳақидаги йўриқномалар ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

32. Ташкилотлар ўзлари фойдаланаётган газ қувурлари ва газлаштирилган объектлар қурилишига оид лойиҳа ва ижро ҳужжатларини ўзида сақлашни таъминлайди.

Кўрсатилган ҳужжатлар фақат газ хўжалиги ташкилотларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш ҳолатларидагина фойдаланишга берилиши мумкин.

33. Ҳар қайси техник қурилма ва газ қувури учун фойдаланиш паспорти тузилиб, унда асосий техник тавсифлар, шунингдек, амалга оширилган таъмирлаш ишлари бўйича маълумотлар кўрсатилади.

34. Ҳар бир ташкилотда раҳбар буйруғи билан мазкур Қоидалар бўйича билими синовдан ўтказилган, раҳбарлар ёки техник маълумотга эга бўлган мутахассислардан газ хўжалигидан хавфсиз фойдаланиш бўйича жавобгар шахс тайинланади.

Бир неча цех (бўлинма)ларида газ ишлатиладиган ташкилотларда газ хўжалиги тизимлари объектларидан хавфсиз фойдаланишга масъул шахсдан ташқари раҳбар буйруғига асосан ташкилотларнинг алоҳида цехлари (бўлинмалари)га газ хўжалигига жавобгар шахслар тайинланади.

35. Газ хўжалиги тизимлари объектларидан ўз кучлари билан фойдаланадиган ташкилотларда газ хизмати ташкил этилиши мумкин. Газ хизматининг вазифалари, тузилмаси ва унинг сони ташкилот раҳбари томонидан белгиланади ва унинг тегишли буйруғи билан тайинланади.

36. Ташкилотларнинг газ хўжалиги тизимлари объектларидан хавфсиз фойдаланишга масъул шахснинг вазифалари лавозим йўриқномасида белгилаб қўйилади. Йўриқномада:

газ таъминоти режимининг хавфсизлигини таъминлаш;

газ таъминоти лойиҳаларини кўриб чиқишда ва газлаштирилган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олувчи комиссиялар ишида қатнашиш;

содир бўлиши мумкин бўлган аварияларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш режалари ва йўриқномаларини тузиш;

ташкилотларнинг газ хўжалигига оид қоидалар, меъёрлар ва йўриқномалар бўйича билимларни текширувчи комиссиялар ишида иштирок этиш;

мутахассислар ва ишчиларни мустақил ишлашга қўйишда уларнинг мазкур Қоидалар бўйича жорий этилган тартибларга амал қилишини текшириш;

газ қувурлари ва жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш ва уларни таъмирлашни мунтазам назорат қилиб бориш;



фойдаланиш ва таъмирлаш вақтида техник ҳужжатлар тўғри юритилаётганини текшириш;

цех (бўлинма)ларнинг газ хўжалиги тизимлари объектларидан хавфсиз фойдаланишга жавобгар шахсларига ёрдам бериш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш;

эскирган жиҳозларни алмаштириш ва такомиллаштириш бўйича режа-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқиш;

мутахассислар ва ишчилар билан аварияга қарши машғулотлар ўтказишни ташкил этиш;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ходимлари томонидан ўтказиладиган кўрик ва текширувларда иштирок этиш назарда тутилган бўлиши керак.

37. Ташкилотнинг газ хўжалиги тизимлари объектларидан хавфсиз фойдаланилишига жавобгар шахсга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

газ билан таъминловчи ташкилотлар, шунингдек, шартнома асосида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарувчи ташкилотлар билан алоқа боғлаш;

қоидалар, меъёрлар ва йўриқномалар бўйича билими синовдан ўтказилмаган ёки қониқарсиз деб топилган шахсларга газ жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва газдан хавфли ишларни бажаришга рухсат бермаслик;

мазкур Қоидалар талабларини бузаётган шахсларга интизомий чора кўриш ҳақида ташкилот раҳбарига таклифлар киритиш;

мазкур Қоидалар талабларига жавоб бермайдиган газ қурилмаларидан фойдаланишга рухсат бермаслик;

мазкур Қоидалар талабларига жавоб бермайдиган газ қувурлари ва жиҳозлари ишини тўхтатиб қўйиш;

цех (бўлинма)ларда газ хўжалиги тизимларидан хавфсиз фойдаланишга масъул шахслар, газ хизмати мутахассислари ва ишчиларини танлашда иштирок этиш.

38. Аҳоли пунктларида жойлашган саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва коммунал-маиший соҳа ташкилотларининг газ жиҳозлари ва газ қувурларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари шартнома асосида, газ таъминоти ташкилоти ёки ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан бажарилади.

39. Саноат корхоналарининг газ хўжалиги тизимлари объектларидан фойдаланиш газ хўжалиги тизимлари объектларининг эгаси ҳисобланган ташкилотлар ёхуд шартнома бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

40. Ертўла ва техник пол остиларини доимий шамоллатиш ва газланганлигини газ таъминоти ташкилотлари томонидан текшириш учун имконият яратиш ва ер ости муҳандислик коммуникацияларининг кириш жой (нуқта)ларидаги герметиклигини таъминлашга бино эгалари жавоб беради.

41. Ташқи газ қувурлари ва иншоотларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш ушбу Қоидаларнинг **1-иловасига** мувофиқ олиб борилади.

Саноат корхоналари газ таъминоти ва ички газ қувурлари ҳамда газ жиҳозларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ушбу Қоидаларнинг **2-иловасига** мувофиқ амалга оширилади.

Назорат-ўлчов асбоблари, автоматлаштириш ва сигнализация тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ушбу Қоидаларнинг **3-иловасига** мувофиқ бажарилади.

Газни тартибга солиш пункти ва газни тартибга солиш қурилмасига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ушбу Қоидаларнинг **4-иловасига** мувофиқ олиб борилади.

Емирилишдан электр кимёвий усулда ҳимоялаш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ушбу Қоидаларнинг **5-иловасига** мувофиқ таъминланади.

Авария вазиятларининг олдини олиш ва бартараф этиш ишлари ушбу Қоидаларнинг **6-иловасига** мувофиқ амалга оширилади.

#### **4-боб. Авариялар ва бахтсиз ҳодисаларни текшириш тартиби**

42. Агар аҳоли пунктларида жойлашган газ таъминоти тизимида, саноат корхоналарининг газ қувурлари, улардаги қурилма ва жиҳозларда авариялар ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлган тақдирда тегишли комиссия томонидан уларни текшириш ишлари олиб борилади.

43. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вакили ва бахтсиз ҳодисани текшириш комиссияси аъзолари етиб келгунларига қадар ташкилот маъмурияти ва авария диспетчерлик хизмати, бахтсиз ҳодиса ёки авария рўй берган вазият ҳолатини, агар бу ҳолат инсонларнинг саломатлиги ва ҳаётига хавф солмаса ҳамда ташкилотнинг узлуксиз иш тартиби бузилишига олиб келмаса, сақлаб туришни таъминлашлари керак.

#### **5-боб. Мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши**

44. Мазкур Қоидалар талаблари бажарилиши юзасидан давлат назорати Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, «Ўзнефтвазсинспекция», «Ўзстандарт» агентлиги, шунингдек, бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

45. Ушбу Қоидаларнинг талаблари бузилишига йўл қўйган (носозликка ёки одамлар билан бахтсиз ҳодиса юз беришига олиб келганлиги-келмаганлигидан қатъий назар) газ қувурлари ва газ жиҳозларидан фойдаланувчи ташкилотлар, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, созлаш ташкилотларининг раҳбарлари, муҳандис-техник ва ишчи ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига  
1-ИЛОВА

### **Ташқи газ қувурлари ва иншоотларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш**

1. Газ қувурлари орқали узатиладиган табиий газ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ берилиши керак.

2. Газ таъминоти ташкилотлари томонидан ташқи газ қувурлари ва иншоотлар ҳиднинг интензивлигини аниқлаш услубига мувофиқ текширилади.

Назорат пунктлари ва газдан намуна олиш муддатлари газ таъминоти тизими ҳамда газ сарфига кўра белгиланади. Текширувлар натижалари махсус журналда қайд этилади.

3. Шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойлардаги газ тармоқларида босим йилига камида икки маротаба (қишда ва ёзда) газ сарфи энг кўп бўлган соатларда ва турли нуқталарда газ хўжалиги ташкилотлари томонидан текширилади.

Газ тақсимлаш станцияларининг чиқишдаги газ босими миқдори газ таъминоти ташкилотлари томонидан лойиҳада белгиланган номинал даражада ушлаб турилади.

Тармоқлардаги босимни ўлчаш нуқта (пункт)ларини газ хўжалиги тизимлари объектларининг эгалари ёки улар томонидан ташкил этилган таркибий бўлинмалар белгилайди.

4. Газ қувурларидаги намлик ва конденсат борлигини текшириш ҳамда уларни чиқариб ташлаш ишлари, газ қувурларида конденсат тўсиқлари пайдо бўлиш эҳтимолидан олдинроқ газ таъминоти ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Текшириш муддатларини газ хўжалиги тизимлари объектларининг эгалари белгилайди.

5. Газ қувурларига ўрнатилган беркитиш арматураси ва компенсаторларга ҳар йили газ хўжалиги тизими объектлари эгаси томонидан техник хизмат кўрсатилади ва зарур ҳолатларда таъмирланади. Зулфинлар, жўмаклар, компенсаторлар алмаштирилганлиги, шунингдек, мукамал таъмирлашда бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар газ қувурининг паспортига, техник хизмат кўрсатиш ҳақида эса журналга ёзиб борилади.

6. Ишлатилаётган газ қувурлари газ хўжалиги тизимлари объектларининг эгаси томонидан мунтазам кузатиб борилади, техник ҳолати текширилади, жорий ҳамда мукамал таъмирланади.

7. Ташқи газ қувурлари ва иншоотларининг техник ҳолатини назорат қилиш белгиланган муддатларда кўриқдан ўтказиш орқали олиб борилади.

8. Ер усти газ қувурларини текшириш вақтида газ сизиб чиқиши, тирговучлардан четга сурилганлиги, тебраниш борлиги, эгилганлиги, газ қувурининг руҳсат этилмаган даражада эгилиши, чўкиши, таянчларнинг эгилиши ва шикастланиши, ҳимоя фланецларининг уланиши, ёпиш мосламаларининг ҳолати, электр ўтказгичлари тушиб кетишидан ҳимоялаш воситалари, газ қувурларининг маҳкам ўрнатилганлиги ва бўялганлиги кўриб чиқилади. Ер усти газ қувурларини кўздан кечириш учун кўриқдан ўтказиш газ таъминоти ташкилоти ишчиси томонидан ҳар ойда бир мартаба амалга оширилади.

Аниқланган носозликлар бартараф этилиши, газ қувурлари бўёқларининг шикастланган жойлари қайта бўялиши керак. Баландликда жойлашган газ қувурларини таъмирлашда кўчма нарвонлардан фойдаланиш тақиқланади.

9. Газ таъминоти ташкилоти ишчиси ер остидаги газ қувурларини кўздан кечириш учун кўриқдан ўтказиш вақтида қуйидагиларни бажариши керак:

газни аниқлаш махсус асбоблар ёрдамида ёки ҳиди ҳамда ташқи белгиларга қараб газ сизиб чиқаётганлиги ҳолатини аниқлаш;

барча қудуқлар ва назорат найчалари, шунингдек, бошқа ер ости коммуникацияларининг қудуқ ҳамда камералари, биноларнинг ертўлалари, шахталар, коллекторлар, ер ости ўтиш йўллари, газ қувурининг иккала томонида 15 метргача ораликда жойлашган бўлса, газни аниқлаш махсус асбоблар ёрдамида назорат қилиниши;

газ иншоотларининг деворлардаги кўрсаткичлари ва нишонларининг бутунлиги ҳамда аҳволи текширилиши;

газ қудуқларининг қопқоқлари қор, муз ва ифлосланишлардан тозаланиши;

газ қувури трассаси ўтган жойда тупроқ ўпирилиши, эриган қор ва ёмғир сувлари билан ювилишининг олдини олишни аниқлаш мақсадида унинг аҳволи кўздан кечирилиши;

газ қувурининг икки томонидан 15 метргача масофада олиб борилаётган қурилиш ишлари назорат қилиниши ва газ қувурларининг бутунлигини таъминлаши ва зарарланишдан сақланиши.

10. Газ қувурини текшираётган ишчилар газ қувури трассасида газ сизиб чиқаётгани аниқланганда бу ҳақда зудлик билан авария-диспетчерлик хизмати ва объектларнинг эгаси бўлган газ таъминоти ташкилоти раҳбарларини хабардор қилади. Газ қувуридан 50 метр радиусда жойлашган газ тўпланиши мумкин бўлган ертўлалар,

биноларнинг биринчи қаватлари, кудуқлар, камералар ва бошқа иншоотларни шамоллатиш ва қўшимча равишда махсус газни аниқловчи асбоблар билан текшириш чораларини кўради.

Авария бригадаси етиб келгунга қадар бино ичидаги одамларни ташқарига чиқариши ҳамда уларни чекиш, очик олов ва электр асбобларидан фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантиради.

11. Ер остидаги газ қувурларини текшириш муддати газ таъминоти ташкилоти бош муҳандиси томонидан белгиланиб, текшириш газ қувурларининг техник ҳолати, улардан қачондан бери фойдаланилаётгани, емирилиш хавфи ва электр кимёвий ҳимояловчи воситаларнинг ишлаш самарадорлиги, газ босими, ертўлаларнинг газланиши, газанализаторларнинг мавжудлиги, тупроқнинг ҳолати, тоғ силжиш ва сейсмик ҳолатлар, жойнинг тафсилоти ва ундаги қурилмаларнинг жойлашиш зичлиги, шунингдек, йил фаслига кўра амалга оширилади.

12. Ер остидаги газ қувурлари трассаларини камида икки нафар кишидан иборат бригада кўриқдан ўтказиши керак. Аҳоли пунктларининг қурилмалар бўлмаган қисмида, шунингдек, йўлларнинг транспорт юрмайдиган, газ қувурларидан 15 метр оралиғида, кудуқлар ва бошқа ер ости коммуникациялари бўлмаган қисмидаги газ қувурлари трассаларини бир нафар ишчи кўриқдан ўтказиши мумкин.

13. Ер остидаги газ қувурларини текширувчига йўналиш хариталари махсус журналга имзо қўйдириш орқали берилади. Унда газ қувурлари йўналишлари схемалари, газ иншоотларининг ўрнатилган жойи, бинолар ертўлалари ва газ бўлиши мумкинлиги текшириладиган коммуникацияларнинг кудуқлари турган жойлар кўрсатилади. Газ тармоқларидаги ўзгаришлар бўйича йўналиш хариталарига йил давомида тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади. Биринчи марта текширувга чиқаётган ишчилар газ қувурлари трассаси билан тўлиқ таништирилади.

14. Ер ости газ қувурини кўриқдан ўтказиш натижалари махсус журналда қайд этилади. Носозликлар борлиги аниқланган тақдирда ёки ўзбошимчалик билан газ қувурларининг ҳимоя зонасида ишлар олиб борилганда ишчи томонидан ўз раҳбарига хабар берилади ҳамда билдиришнома тақдим этилади.

15. Ташкилот ҳудудидан ўтувчи ер ости газ қувури трассаси бўйлаб ҳар иккала томонидан 2 метр кенгликда жой ажратилган бўлиши ва тўсиқлар бўлмаслиги керак. Ушбу ҳудудда бино ва иншоотлар қурилишининг норматив ҳужжатлар қоидаларига асосан бажарилиши талаб этилади.

16. Ҳудудидан газ қувури транзит усулида ўтказилган ташкилот маъмурияти газ таъминоти ташкилоти ишчиларига уни кўздан кечириш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳамда авария ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш учун имконият яратиб беради.

17. Газ қувуридан 50 метр радиусда ўтказилган ёнма-ён ер ости коммуникацияларининг эгалари уларда газ йиғилганлигини текшириш учун кудуқлар ва камераларнинг қопқоқларини ўз вақтида қор, муз ва ифлосликлардан тозалаб турилишини таъминлайди.

18. Фойдаланишда бўлган ер ости газ қувурлари ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этган ҳолда путур етказмайдиган назорат усули билан техник текширувдан ўтказиб борилади.

19. Йигирма беш йилгача фойдаланилган ер остидаги пўлат газ қувурлари 5 йилда камида бир марта, йигирма беш йилдан ортиқ фойдаланилганлари эса — 3 йилда камида бир марта техник текширувдан ўтказилади.

Мукамал таъмирлаш ёки алмаштириш режасига киритилган пўлат газ қувурлари йилига камида бир марта текширувдан ўтказилиши керак.

20. Ер ости пўлат газ қувурларини навбатдан ташқари мақсадли текширувдан ўтказиш ишлари пайванд чокларининг зичлиги бузилганда ёки узилганда, емирилишдан ҳимояловчи қопламаси шикастланганда — электрдан ҳимояловчи қурилмалари йил давомида:

дайди тоқларнинг хавфли таъсир этиш зоналарида — бир ойдан ортиқ вақт мобайнида ишламаганда;

бошқа ҳолатларда, агар газ қувурлари бошқа мосламалар билан ҳимояланмаган бўлса — 6 ойдан кўп вақт мобайнида ишламаганда ўтказилади.

21. Ер ости пўлат газ қувурларини техник текшириш вақтида унинг герметиклиги, пайванд чокларининг сифати, емирилиш хавфи борлиги, қувурларнинг ҳимояловчи қопламаси ҳамда металлнинг ҳолати текширилади.

22. Қувур металл ҳолати газ қувуридан фойдаланиш жараёнида ҳимоялаш қобиғини таъмирлаш ёки газ сизиб чиқишини бартараф этиш учун қазиладиган барча шурфларда аниқланади.

23. Ер ости пўлат газ қувурлари металл ҳимоя қобиғи ҳолатини аниқлаш мақсадида фақат ҳимоялаш қопламаси шикастланган, шунингдек, асбоблардан фойдаланиш путур етказмайдиган назорат усули билан техник текширувни ўтказиш қийин бўлган ҳолатларда (қувурлар тепасида камида 1,5 метр узунликда назорат шурфлари қазилиб) текшириш ишлари амалга оширилади.

Путур етказмайдиган назорат усули билан техник текширув ўтказиладиган жойларда назорат шурфлари қазиладиган шурфлар ва уларнинг сонини газ таъминоти ташкилоти бош муҳандиси аниқлайди. Ҳеч қандай асбобсиз оддий кўз билан текшириш учун емирилиш (занглаш) хавфи юқори бўлган жойлар, газ қувурлари бошқа ер ости коммуникациялари билан кесишган жойлар, конденсат тўплагичлар ва гидрозатворлар танланади.

24. Ер ости газ қувурлари герметиклигини ва газ сизиб чиқаётган жойларини аниқлаш ишлари қудуқларни бурғулаш ва махсус асбоблар ёрдамида намуналар олиш йўли билан амалга оширилади.

25. Тақсимловчи газ қувурида қудуқларни бурғулаш ишлари газ қувури уланган жойларда олиб борилади. Уланиш нуқталарининг жойлашуви кўрсатилган схемалар бўлмаган ҳолатларда кириш газ қувурларида қудуқларнинг ўрни ҳар икки метр оралиғида танланади. Қишда бурғулаш чуқурлиги тупроқнинг музлаш чуқурлигидан кам бўлмаслиги, йилнинг бошқа фаслларида эса — қувурлар ётқизилган чуқурликка мос бўлиши керак. Қудуқлар газ қувури деворидан камида 0,5 метр нарида қазилади.

Газ сизиб чиқишини аниқлаш учун махсус асбоблардан фойдаланилганда қудуқларни камроқ чуқурликка ва газ қувурининг ўқи бўйлаб қазилганга руҳсат этилади, бунда ер ости газ қувурининг устидан қазилган қудуққача бўлган масофа 40 сантиметрдан кам бўлмаслиги лозим.

26. Бурғуланган қудуқларда газ борлигини аниқлаш учун махсус асбоблардан фойдаланилади. Қудуқларда газ борлигини аниқлаш учун очиқ оловдан фойдаланиш тақиқланади.

27. Газ қувурларининг герметиклигини қурилиш меъёрий қоидаларига мувофиқ сиқилган ҳаво билан текширишга рухсат этилади.

28. Полиэтилен газ қувурларидан фойдаланувчи ташкилот уларнинг зичлигини юқори даражада сезгир газ аниқловчи асбоблар ёрдамида (иморатлар қурилган жойдаги қисми — йилига камида бир марта ва асосан баҳорда, иморатлар қурилмаган жойдаги қисми эса — беш йилда камида бир марта) техник текширувдан ўтказиши керак.

29. Техник текширув натижалари асосида далолатнома тузилиб, унда аниқланган камчиликларни ҳамда техник ҳолатни инобатга олган ҳолда газ қувурини бундан кейин фойдаланиш мумкинлиги, уни таъмирлаш ёки алмаштириш зарурлиги ва муддатлари ҳақида хулоса берилади. Техник текширув ҳақидаги далолатномани ушбу ишларни бажарган ташкилот раҳбари тасдиқлайди.

30. Сув остидан ўтадиган газ қувурларини текширувдан ўтказиш уларнинг жойлашган ўрни ва ҳимоя қобиғи шикастланганлигини аниқлашдан иборат бўлади. Бу ишлар камида беш йилда бир марта амалга оширилади.

31. Газ қувурларидаги газ сизиб чиқиши авария тартибида бартараф этилади. Бинолар ертўлалари, бино поли ости, коллекторлар, ер ости ўтиш йўллари ва галереяларда хавфли микдорда газ тўпланганлиги аниқланганда газ таъминоти зудлик билан тўхтатилади. Носозликлар бартараф этилгунга қадар улардан фойдаланиш тақиқланади.

32. Ҳар куни назорат қилиш шарти билан ташқи газ қувурларида газ сизиб чиқиш ҳолатларини вақтинчалик (ўн беш кунгача) тўхтатиш учун хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда бандаж, ёғоч понаси, лойли бинт ёки хомут ўрнатишга рухсат этилади.

33. Учма-уч уланган газ қувурлари шикастланиши (узилиши, ёрилиши)нинг узунлиги 200 миллиметрдан кам бўлмаган ғалтакча пайвандлаш ёки муфта ўрнатиш йўли билан таъмирланади.

Учма-уч уланган газ қувурларининг бошқа нуқсонлари (шлакли уланиш, чала пайвандланган ва рухсат этилган меъёрдан ортиқча ғоваклик) ҳамда қувур девори қалинлигидан 30 фоиздан юқори бўлган чуқурчалар муфталар ўрнатиш йўли билан кучлантирилади.

Газ қувурлари ва уларнинг арматурларини таъмирлаш, янги қурилган газ қувурларини ишлаб турган газ тармоқларига улаш ишлари билан боғлиқ бўлган қувурларни режали ўчириш ҳамда қайта газ бериш вақти ҳақида истеъмолчиларни камида бир сутка олдин огоҳлантиради.

34. Ер ости пўлат газ қувурларига эга ташкилот ўз вақтида ушбу қувурлар ҳимоя қопламасини таъмирлайди ва кейинги емирилишларнинг олдини олиш чораларини кўради. Дайди тоқлар таъсир қиладиган жойларда ёки одамлар тўпланиши мумкин бўлган бинолар яқинида жойлашган газ қувурлари ҳимоя қопламасининг нуқсонлари биринчи навбатда бартараф этилади.

35. Ер ости пўлат газ қувурларини улаш ва таъмирлаш даврида пайвандлаш, изоляция қилиш ва уларнинг сифатини назорат қилиш ишлари қурилиш меъёрий қоидалари талабларига мувофиқ бажарилади.

36. Полиэтилен газ қувурлари герметиклигини таъминламаётган шикастланган қисмлари, ажралмайдиган бирикмали узеллари ва уланиш деталлари кесиб ташланади ва янгиланади.

37. Ер ости газ қувуридан 15 метр масофада қурилиш, шу жумладан ер қазииш ишлари фақат газ таъминоти ташкилоти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Газ

таъминоти ташкилоти томонидан ер ости газ қувурларининг жойлашиш схемаси боғламлари билан илова қилинади.

Ер қазииш ишларини амалга оширувчи ташкилот газ таъминоти ташкилотига келишиш учун ишларни бажариш лойиҳасини тақдим этади.

Агар газ қувурларининг ҳимоя зонасида қурилиш ишларининг тегишли ёзма рухсатсиз олиб борилаётганлиги аниқланса, фойдаланувчи ташкилот ишларни тўхтатиш чораларини кўради.

38. Ер остидаги газ қувурлари трассаси яқинида зарбали механизмлар ва ер қазииш техникасини ишга туширишдан олдин қўлда шурфлар қазииш йўли билан қувурнинг қаерда жойлашганлиги аниқлаб олинади.

Ерни юмшатувчи зарбали механизмларни ер ости газ қувуридан камида 3 метр, вертикал ўқидан сезиларли даражада оғиши мумкин бўлган механизм (шар, пона-баба ва бошқа)лар эса камида 5 метр масофада ишлатилиши мумкин.

Газ қувурларини механизмлар билан кавлаб очишга қувурларни жойлашган жойи ва чуқурлиги асбоблар билан аниқлангандан кейин рухсат берилади. Бунда газ қувурининг устидаги тупроқнинг 200-300 миллиметр қалинликдаги охириги қатламини қўлда белкураклар ёрдамида, ҳимоя қопламасини сақлаш чораларига риоя қилган ҳолда олиб ташланади.

39. Ер остидаги пўлат газ қувурлари механик равишда шикастланиб, асосий ҳолатига нисбатан силжиб қолган бўлса, газ сизиб чиқишини бартараф этиш ишларини бажариш билан бир вақтда, горизонтал ва вертикал бўйича шикастланган жойининг иккала томонидаги биттадан уланиш жойлари очилиб, радиографик усулда текширилиши керак. Газ қувурининг шикастланиши натижасида чоклари узилганлиги ва ёрилганлиги аниқланса, қувурнинг кейинги уланиш жойи қўшимча кавлаб очилади ва радиографик усулда текширилади.

Қурилиш меъёрий қоидаларида рухсат этилмаган чоклар чала пайвандланганлиги, ғоваклар кўплиги ва йўл қўйилмайдиган бошқа нуқсонлар борлиги аниқланганда, пайванд чокларининг сифати навбатдан ташқари текширувдан ўтказилади.

40. Ишлаётган ер ости пўлат газ қувури яқинида бинолар, каналлар, коллекторлар ва тоннеллар қурилган ҳамда газ қувурлари ана шу муҳандислик иншоотлари билан кесишган ҳолатларда қурилиш ташкилотлари томонидан лойиҳада кўрсатилган талаблар амалга оширилади.

41. Темир йўл ва автомобиль йўллари билан кесишиш жойларида газ қувурлари олдинги текширув ҳамда таъмирлаш санасидан қатъий назар, йўл асосини кенгайтириш ва мукамал таъмирлаш пайтида қайта текширилади ва зарур бўлса, таъмирланади ёки алмаштирилади.

Газ хўжалигидан фойдаланувчи ташкилотлар йўлларнинг таъмирланиши ёки кенгайтирилиши тўғрисида ерни кавлаш ишлари бошланишидан олдин хабардор қилиниши лозим.

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига

2-ИЛОВА

**Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари газ таъминоти, ички газ қувурлари ва газ жиҳозларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Газ сизиб чиқаётган газ жиҳозларидан фойдаланганда хавфсизлик автоматикаси ҳамда ўзбошимчалик билан ўрнатилган жиҳозлар газ таъминоти ташкилоти томонидан истеъмолчини огоҳлантирмасдан газ таъминотидан узиб қўйилади.

2. Газ қувурлари ўтказилган ҳамда газ жиҳозлари ва арматуралари ўрнатилган хоналарга хизмат кўрсатувчи ходимлар кириши учун имконият яратилиши керак. Улардан омборхона, устахона ва бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Газ қувурларига юк осиш ва улардан таянч конструкциялар ҳамда ерга улагичлар сифатида фойдаланиш тақиқланади.

3. Ҳимоя ва назорат асбобларини уламасдан газ жиҳозларини ишлатиш тақиқланади.

4. Ишлаётган газ жиҳозларини доимий назоратсиз қолдиришга рухсат этилмайди.

5. Мавсумий ишлайдиган газ жиҳозлари иситиш мавсуми якунлангандан сўнг газ таъминоти ташкилоти томонидан тармоқдан тамғалаш йўли билан узиб қўйилади. Носоз ва мавсумий ишлайдиган газ жиҳозларининг газ қувуридан узиб қўйилганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

6. Газ жиҳозларини бўлақларга ажратиб таъмирлашда ҳамда хона ва биноларни тўлиқ таъмирлашда газ қувурлари ва жиҳозлари газ таъминоти тизимларидан тикинлар ўрнатиш орқали узиб қўйилади.

## **2-боб. Саноат объектларига қўйиладиган талаблар.**

### **2.1. Табиий газга қўйиладиган талаблар**

7. Саноат корхоналарининг ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг газ жиҳозлари олдида газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқнома илиб қўйилади.

8. Саноат корхоналарининг ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг газ жиҳозлари ва газ қувурларига ҳар йили бир марта техник ва уч марта профилактик хизмат кўрсатилади.

Печларни қуриш, монтаж қилиш ва таъмирлаш, шунингдек дудбуронлар, шамоллатиш каналларини кўрикдан ўтказиш, тозалаш ва носозликларни бартараф этиш ишларини бажариш учун объектнинг эгаси томонидан Дудбуронлар хизмати жалб қилинади.

9. Қуйидаги ҳолатларда газ жиҳозларидан доимий хизмат кўрсатувчи ходимларсиз фойдаланишга рухсат этилади:

газ жиҳозлари хавфсизлик ҳимояси ва автоматик тизим билан жиҳозланганда;

бинода газ чиқишини аниқлайдиган асбоблар мавжуд бўлиб, уларнинг маълумоти доимий навбатчи бўладиган хонага уланганда;

газ жиҳозларини авариявий тўхтатишга боғлиқ ишларни бажарадиган, диспетчерга тезкор бўйсунадиган навбатчи ходимлар бўлганда.

10. Ҳимоя тизими ишга туширилганда қуйидаги ҳолатларда газ берилиши автоматик тарзда тўхтатилади:

ёндиргичлар олдида газ босимининг кўтарилиши ёки пасайишида;

дудбурондаги ҳаво сўришининг пасайишида;

мажбурий ҳаво бериш билан жиҳозланган қозон ёндиргичлари олдида ҳаво босими пасайганда;

қозон ишлаб турганда ёндиргичлар олови ўчиб қолганда;

ҳимоя тизимларида носозлик юзага келганда;

ўлчов воситаларида, автоматик ва оралиқ бошқарув қурилмаларида электр токи берилиши тўхтатилганда ёки унинг кучланиши йўқолганда;



газланиш сезилганда, газ жиҳозлари ва қувурларда газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланганда;

ёндиргичлар олдидаги беркитувчи арматураларни зичлиги йўқолганда ва сақловчи қурилмалар ишдан чиққанда.

Бундан ташқари, саноат объектларида хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан газ берилиши қўйидаги ҳолатларда зудлик билан ўчирилиши керак:

газ йўлларидаги портлаш клапанлари ўрнатилган жойлар зичлиги бузилганда;

газ ишлатувчи қурилмаларнинг ёндиргичларида носозликлар пайдо бўлганда;

назорат-ўлчов асбоблари, автоматик ишлайдиган ва сигнализация воситалари носоз ҳолатга келганда;

ўтхона бўшлиғида портлаш юз берганда, газ портлаганда ёки газ йўлларидаги ёнувчи қатламлар ёнганда;

беркитиш арматураларини масофадан бошқариш, ҳимоя тизимлари ҳамда жиҳоз ёки ишчи ходимларга хавф туғдирадиган ёнғин содир бўлганда;

газ жиҳозларида режали огоҳлантирув таъмирлаш ишлари ўтказилаётганда.

11. Газ жиҳозини (тўхтатилгандан сўнг мазкур илованинг 10-банди талабларига мувофиқ) ишга тушириш тартиби ишлаб чиқариш йўриқномасида белгилаб қўйилади. Бунда газнинг берилиши носозликлар бартараф этилгандан кейин амалга оширилади.

12. Газ жиҳозларини таъмирлашдан олдин уларнинг ўтхоналари ёки газ йўлларини таъмирлаш ва кўздан кечириш, шунингдек, мавсумий ишлайдиган қурилма газ жиҳозлари, ўт олдириш ёндиргичлари, газ қувурлари, газ тармоғидан беркитиш арматураларидан кейин тикин ўрнатиш ва саноат объектнинг масъул ходимлари томонидан тамғалаш йўли билан ўчириш лозим.

13. Саноат корхонаси ва қишлоқ хўжалиги корхонаси маъмуриятидан мавсумий ишлатиладиган қурилмалар, жумладан иситиш қозонларини ишга туширишдан олдин қўйидагилар талаб этилади:

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари талабларига мувофиқ хизмат кўрсатувчи ходимларнинг билимларини текшириш;

газ жиҳозлари ва автоматик назорат тизимларини кўрикдан ўтказиш ва жорий таъмирлаш;

газ йўлларини тозалаш ва шамоллатиш тизимлари созлигини текшириш.

Кўрсатилган ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлгандагина газ беришга рухсат этилади.

14. Қозон ва печ агрегатлари ишга туширилишидан олдин уларнинг ўтхоналари ва газ йўллари шамоллатилади. Шамоллатиш вақти ишлаб чиқарувчи завод йўриқномасида белгиланади. Шамоллатишнинг тугаганлиги газни аниқловчи махсус асбоблар ёрдамида текширилади.

Газ қувуридаги ёндиргичдан олдинги беркитиш арматурасини ёндириш қурилмаси ишга туширилгач ёки унга ёнаётган ўт олдиригич қурилмаси яқинлаштирилгандан сўнг очиш мумкин.

15. Агар ёндиргични ўт олдириш ёки уни созлаш жараёнида аланга узилиб, ичига ўтиб кетса ёхуд ўчиб қолса, ёндиргич ва ўт олдиригич қурилмасига газ берилиши зудлик билан тўхтатилади.

Хавфсизлик қувурлари ва газ ёндиргич мосламалари орқали қозон газ қувурларини пуфлаш тақиқланади.

Печ ва агрегатларга етказиб бериладиган қувурларга узатилаётган газ тажриба ёки ҳисоблаш йўли билан аниқланган вақт давомида ва ишлаб чиқарувчи завод йўриқномасида кўрсатилганидек, тизимдаги барча ҳаво зичлаб чиқарилгунга қадар ҳайдалади. Газ ҳайдашнинг тугаганлиги қозон газ қувурлари ичида кислород борлигини таҳлил қилиш йўли билан аниқланади. Бино (иморат, хона) ҳажмига нисбатан кислород бир фоиздан кўп бўлса ёндиргичларни ёқиш тақиқланади.

16. Таъмирланадиган қозон, печ ва бошқа агрегатларнинг тутун йўллари умумий йўналишдан шиберлар ёки тўсиқлар ёрдамида ажратиб қўйилади.

17. Барча қурилмалар ўчирилгандан сўнг етказиб берувчи ва хавфсизликни таъминловчи газ қувурларидаги беркитиш арматуралари доим очиқ ҳолатда бўлиши лозим.

18. Цех ёки қозонхонада портлаш ва ёнғин юз берганда газ қувурининг кириш қисмидаги ўчириш қурилмалари дарҳол беркитилиши керак.

## **2.2. Суюлтирилган углеводород гази (СУГ)га қўйиладиган талаблар**

19. Газ баллонли қурилмаларнинг герметиклигини газнинг ишчи босими остида аниқловчи асбоб билан ёки совун кўпигидан фойдаланиб текширишга рухсат этилади. Барча майший газ баллонлари беш йилда бир марта техник текширувдан ўтказилади.

20. Газ билан тўлдирилган баллонлар лойиҳа бўйича махсус ажратилган жойларда сақланади.

21. СУГ билан тўлдирилган баллонлар сақланадиган омборларнинг поллари текис, сирпанмайдиган ва турли жисмлар зарбидан учқун чиқармайдиган материаллардан тайёрланади.

22. Омборхонада тўлдирилган ва бўш баллонлар алоҳида сақланиши керак. Уларнинг ўрни «Тўлдирилган баллонлар» ва «Бўш баллонлар» деган ёзувлар билан белгилаб қўйилади.

23. СУГ билан тўлдирилган баллонларни енгил алангаланувчи моддалар ва ёниш жараёнини кучайтирадиган техник газлар (кислород) билан биргаликда сақлашга рухсат берилмайди.

24. СУГ билан тўлдирилган баллонлар сақланадиган омборлар (ёки очиқ майдонлар) атрофидаги 20 метр масофа ҳудудида турли ёнувчан материалларни сақлаш ҳамда очиқ олов билан боғлиқ бўлган темирчилик, пайвандлаш, кавшарлаш ва шу каби бошқа ишларни бажариш тақиқланади.

25. СУГ билан тўлдирилган баллонлар сақланадиган омборхонанинг эшигида бегона шахсларнинг кириши, чекиши ва очиқ оловдан фойдаланишни тақиқловчи огоҳлантириш белгилари ўрнатилган бўлиши лозим.

26. СУГ билан тўлдирилган баллонлар сақлаш учун мўлжалланган омборнинг кўринадиган жойида тўлдирилган ва бўш баллонлар билан ишлаш ҳамда уларни хавфсиз сақлаш қоидалари илиб қўйилган бўлиши керак.

27. СУГ билан тўлдирилган баллонларни лойиҳасиз қурилган бостирмалар остида сақлаш тақиқланади.

28. СУГ билан тўлдирилган баллонлар сақланадиган омборларда ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ва плакатлар илиб қўйилиши зарур.

29. СУГ билан тўлдирилган баллонлар вертикал ҳолатда турғизилиб, қалпоқлари бураб қўйилган ҳолда сақланиши ҳамда вентилларининг ён томонидаги штуцерларида тикин бўлиши керак. Баллонларни қулаш ва шикастланишидан ҳимоялаш мақсадида улар махсус уя (ўрин)ларга ўрнатилади ёки тўсиқ билан ажратилади.

30. Бошмоқлари бўлмаган баллонлар горизонтал ҳолатда ёғоч рамалар ёки стеллажларда сақланиши мумкин. Бошмоқли баллонларни очиқ майдонларда сақлашда уларни горизонтал қаторлари орасидаги арқон, ёғоч ёки резинадан тайёрланган прокладкаси бўлган штабелларга ўрнатишга рухсат берилади.

Баллонларни штабелларга ўрнатишда уларнинг баландлиги 1,5 метрдан ошмаслиги керак. Баллонлардаги вентиллар бир томонга қаратилган бўлиши лозим.

31. СУГ билан тўлдирилган баллонлар сақланадиган омборлар яшиндан ҳимоя қилинган зонада жойлашган бўлиши зарур.

32. Суюлтирилган газ тўлдирилган баллонларни сақлаш омборларида қуйидаги ёнғинни ўчириш бирламчи воситалари бўлиши керак:

а) хона ичида (ҳар 50 квадрат метрга):

5 литр ҳажмдаги кукунли ўт ўчиргичлар — 2 та;

0,5 куб метр ҳажмли қум солинган қути — 1 та;

белкурак — 1 та;

2×2 метрли кигиз ёки асбест мато — 1 та;

б) омбор ҳудуди тўсиқлари чегараларида (ёнғинга қарши пункт — шитда):

5 литр ҳажмдаги кукунли ўт ўчиргичлар — 2 та;

темир илгак — 2 та;

лом — 1 та;

қизил рангга бўялган челақ — 2 та;

ёнғин болтаси — 1 та;

сиғими 200 литр бўлган сув тўлдирилган бочка — 2 та.

5 литр ҳажмдаги кукунли ўт ўчиргичлар бўлмаган ҳолатларда уларни углекислотали ўт ўчиргичларга алмаштириш мумкин.

Омбор ҳудудида жойлаштириладиган ёнғинга қарши қалқонларнинг сони ва уларнинг жойлаштирилиши ёнғин хавфсизлиги қоида ва меъёрларига асосан белгиланади.

Гидрантлар мавжуд ҳолатларда сув тўлдирилган бочка талаб этилмайди.

33. Металларга газ алангасида ишлов бериш учун қўлланиладиган газ билан кесиш постлари муқим бўлиши лозим. СУГда ишлаганда улар кўчма бўлиши мумкин.

34. Бевосита газ билан кесиш пости ёнида фақат битта суюлтирилган углеводород газ баллонини ўрнатишга рухсат этилади.

35. Муқим газ билан кесиш постлари газ истеъмол қилинадиган жойлардаги девор, устун ва бошқа конструкцияларга қуйидаги минимал масофаларга риоя этиб ўрнатилиши мумкин:

а) изоляцияланган сим ва электр кабелларигача — 1 метр;

б) очиқ симларгача — 2 метр.

СУГнинг газ билан кесиш постларини очиқ ертўла, қудуқ ва бошқа чуқурликларгача 10 метрдан яқин масофага ўрнатиш тақиқланади. СУГнинг газ билан кесиш постигача 25 метрдан кам масофада жойлашган ертўла ва ўраларда хабарловчиси бўлган автоматик газ анализаторлари ўрнатилиши, улар СУГнинг миқдори алангаланиш қуйи концентрация чегарасининг 20 фоизидан кам бўлганда ишлаб кетиши керак. Қудуқлар иккита қопқоқ билан жиҳозланиши ҳамда газ билан кесиш постлари механик шикастланишлардан муҳофазаланган бўлиши лозим.

36. Муқим газ билан кесиш постлари шамоллатиш учун тешиклари бўлган металл шкафга жойлаштирилади. Кислород ва ёнувчан газ учун газ билан кесиш постлари орасидаги масофа камида 5 метр бўлиши зарур. Иш пайтида жавон эшикчалари очиқ

бўлиши ҳамда газ билан кесиш постидан фойдаланувчи ишчи бўлмаганда шкаф қулфланган бўлиши лозим.

Газ билан кесиш постлари жавонларининг бўёғи ва улардаги огоҳлантирувчи ёзувлар белгиланган талабларга мос бўлиши керак.

37. Ацетилен газ баллонларидан ёки ацетилен генератори ва унинг ўрнида ишлатиладиган агрегатлардан чиқаётган газларнинг муқим газ билан кесиш постлари тегишли беркитиш арматураси ва ёпиқ турдаги суюқлик очиб-ёпқичи ёки қуруқ очиб-ёпқич билан жиҳозланади. Суюқлик очиб-ёпқичлари қиш фаслида музламайдиган суюқлик билан тўлдирилади.

Табиий газ ва СУГ учун сақлаш очиб-ёпқичлари ўрнига тескари клапан ўрнатишга рухсат берилади.

Суюлтирилган ёки қуруқ турдаги сақлаш очиб-ёпқичлари, шунингдек тескари клапанлар лойиҳа бўйича ясалиши ва газнинг қабул қилинган босими ва сарфига тегишли равишда ишлатилиши лозим.

38. Газ аланга ускунаси олдидаги ёнувчан газларнинг босими газ ва ускуна турига кўра ўрнатилади.

Ацетилен ўрнида ишлатиладиган биринчи даражали газлар учун босимнинг қуйи чегараси ёндиргич ёки кескич тавсифида кўрсатилган (3,0 килопаскал)дан паст бўлмаслиги керак.

39. Газ билан кесиш постларига табиий ёки СУГ беришда қувурлардаги газ босими 0,15 мегапаскалдан кўп бўлмаслиги керак. Босим 0,15 мегапаскалдан кўп бўлса, суюқлик ёки қуруқ затвор ёхуд тескари клапан олдида газни ростлаш ускунаси (редуктор) ўрнатилиши лозим.

40. Газ билан кесиш постини газ билан таъминлайдиган баллонда босимни пасайтириш учун редуктор ўрнатилади.

41. Битта суюқлик ёки қуруқ затворга ёхуд тескари клапанга фақат битта кескични улаш мумкин. Агар оператор газ билан кесиш постида битта машинага хизмат кўрсатса, машинага ўрнатиладиган ёндиргич ёки кескичлар сони фақат затвор ёки клапаннинг ўтказиш қуввати билан чекланади.

42. Бинодан ташқаридаги газ баллонлари ёпиладиган икки эшикли металл шкафларда ёки газ баллонларининг тепа қисмини беркитадиган ёпилувчан ғилофларда ўрнатилади ва бинонинг ташқи деворига маҳкамланади. Шкафларда баллонларни ўрнатиш учун уялар ва деворининг орқа қисмида босим ростлагичини маҳкамлаш учун тугун ўрнатилади. Шкаф ва ғилофларда шамоллатиш учун махсус тешиклар ясалади.

Шкафлар ичида ва ғилофларда турган газ баллонлари биринчи қават эшик ва ойналаридан 0,5 метрдан кам бўлмаган масофада, бинонинг пастки қисми ва ертўла қаватларининг эшик ва ойналаридан ҳамда қудуқ ва қавланган чуқурлардан камида 3 метр масофада ўрнатилади.

Газ баллонлари учун шкафлар ва ғилоф остидаги газ баллонлари чўкиш эҳтимоли бўлмаган, ёнмайдиган асосларга ўрнатилган бўлиши ва бино пойдеворига ёки деворларига маҳкамланиши талаб этилади.

43. Газ баллонли қурилмаларнинг газ баллонлари газ таъминоти ташкилоти ишчилари томонидан ўрнатилади ва алмаштирилади.

Лойиҳа ҳужжатларисиз ўрнатилган ва техник кўрикдан ўтмаган маиший газ баллонларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

44. Истеъмолчиларга баллонлар махсус жиҳозланган автомашиналар ёки талаб бўйича жиҳозланган оддий бортли юк машиналарида етказиб берилади.

45. СУГ билан тўлдирилган баллонларни жиҳозланган оддий юк автомашиналари бортида ҳам вертикал ҳам горизонтал ҳолатда ташиш мумкин.

46. Баллонларни горизонтал ҳолатда ташишда уларни ўчириш мосламаларини машина ичига қаратилган ҳолатда жойлаштириб, ўз ўлчамига тенг бўлган катакларга жойлаштирилади.

47. Баллонлар катакларга ажратилган ёки уларнинг қулаши ёхуд бир-бирига урилишини истисно этувчи махсус кузовли автомашиналарда ташилади. Шунингдек, махсус мосламаларга эга бўлган оддий кузовли юк автомашиналарида ҳам юқорида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда ташишга рухсат берилади. Махсус мосламалар сифатида катакли ёғочли брусоклар ва резина ёки арқонли ҳалқалардан фойдаланилади.

48. СУГ тўлдирилган баллонларни ташувчи махсус ва оддий автомашиналар кузовининг конструкцияси йўлларда ҳаракатланиш вақтида баллонларнинг тушиб кетишидан ҳимояланган бўлиши талаб этилади.

49. Баллонларни юклаш ва тушириш ишларини бажарувчилар махсус кийим-бош ва қўлқопларда хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда ишлашлари зарур.

50. Баллонларни автомашиналардан қопқоқларини пастга қаратган ҳолда тушириш, шунингдек, уларни ирғитиш қатъиян тақиқланади.

51. Сифими 12 литрдан ортиқ бўлган баллонларни амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳимоя қопқоқлари бураб ёпиб кўйилган ҳолда ташилади.

52. Баллонларни ташиш ёки уларни истеъмолчига ўрнатиш вақтида носозлик аниқланган ҳолатларда улардан фойдаланиш тақиқланади, баллонлар газ таъминоти ташкилоти ёки газ тўлдириш станцияси (пункти)га қайтарилади.

53. Баллонларни ташиш вақтида газ сизиб чиқиши аниқланганда носоз баллонни зудлик билан автомашинадан тушириб олиб, уни газдан (имкон қадар очиқ майдонларда, ертўласи бўлган бинолардан узоқроқда ва бошқа хавфсиз жойларда) бўшатилади ва газ таъминоти ташкилоти ёки газ тўлдириш станцияси (пункти)га қайтарилади.

54. Баллонларни юклаш ва тушириш, ташиш ва сақлашда тик ҳолатдан қулаб кетиши, шикастланиши ва ифлосланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

55. Тўлдирилган баллонларни автомашинага юклаш ҳамда бўш баллонларни тушириш вақтида автомашина двигатели ўчирилган бўлиши зарур.

56. СУГ билан тўлдирилган баллонларни ўткир ҳидли ва портловчи моддалар, шунингдек ёниш жараёнини кучайтирадиган техник газлар (кислород) ва радиоактив моддалар билан биргаликда ташиш тақиқланади.

57. Тўлдирилган ва бўш баллонлар ортилган автомашинани назоратсиз қолдириш мумкин эмас.

58. СУГ билан тўлдирилган баллонлар ташиладиган автомашина кузовида одамлар бўлиши қатъиян тақиқланади.

59. СУГ ташувчи ҳар бир автомашинада:

двигателидан чиқарилган сўндиргич (глушитель) машинанинг олди томонига ўтказилган бўлиши;

сўндиргичда учкунни ўчирувчи сеткаси бўлиши шарт;

СУГ билан тўлдирилган баллонларни ёнғинни ўчириш учун бирламчи воситалар (5 литр ҳажмдаги углекислотали ўт ўчиргич) билан таъминланмаган ва ерга уланадиган сими (заземление) бўлмаган барча турдаги юк машиналарида ташиш тақиқланади;

автомашина ҳайдовчиси махсус ўқув курсларида ўқиган, аттестациядан ўтган ва СУГ баллонларини ташиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиши зарур.

60. СУГ тўлдирилган автоном газ таъминоти тизимларида ўрнатилган босим остида ишлайдиган сиғимларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига  
3-ИЛОВА

### **Назорат-ўлчов асбоблари, автоматлаштириш ва сигнализация тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш**

1. Газ қувурлари ва агрегатларига ўрнатилган, автоматик бошқарув, сигнализация асбоблари ва назорат воситалари ҳамда портлашдан сақланган электр ускуналарини доимий равишда техник назорат қилиш, уларга хизмат кўрсатиш, жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари ташкилотлар (уларнинг эгалари) томонидан амалга оширилади.

2. Импульс газ тармоқлари ва беркитиш арматурасининг герметиклигини текшириш ишлари газ жиҳозларини кўриқдан ўтказиш ва техник хизмат кўрсатиш вақтида бажарилади.

3. Ўлчов воситалари, автоматик бошқарув ва сигнализация тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг ҳажми ва муддатлари ишлаб чиқарувчи заводларнинг фойдаланиш йўриқномасида белгиланади.

4. Назорат-ўлчов асбобларининг созлиги ва тўғри кўрсатаётганлигини аниқлаш амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бажарилади.

Назорат-ўлчов асбобларининг тўғри ва соз ишлаётганлигини текшириб туриш учун пружинали манометр остига уч йўналишли жўмрак ўрнатилади.

5. Ўлчов воситалари қуйидаги муддатларда мажбурий даврий давлат қиёслов текширувидан ўтказилади:

кўрсатувчи, масофадан бошқариладиган манометрлар — йилига камида бир марта;

СУГ баллонларини назорат тариқасида тортиб кўриш учун фойдаланиладиган оғирликни ўлчаш асбоблари — йилига камида бир марта;

кўчмас ва кўчма газанализаторлар — йилига камида икки марта;

эталон қадок тошлар — йилига камида бир марта.

Юқорида келтирилган назорат-ўлчов асбоблари мукамал таъмирлангандан кейин ҳам давлат қиёслаш текширувидан ўтказилиши лозим.

6. Тамғаси бўлмаган, текшириш муддати ўтиб кетган, шикастланган ёки ўчирилганда шкаланинг кўрсаткичи «нолга» қайтмаган ўлчаш воситаларидан фойдаланиш мумкин эмас.

7. Кўрсатувчи манометрларнинг циферблати ёки корпусида ишчи босимига мос келувчи шкаланинг кўрсаткичи бўёқ билан кўрсатиб қўйилади.

8. Хавфсизлик автоматик қурилмалари ва сигнализация воситаларининг ўрнатилган ишлаб кетиш кўрсаткичлари созлаш ташкилотининг техник ҳисоботида кўрсатилган параметрларга мос бўлиши (газ анализаторлари хонада газнинг хавфли концентрация миқдори юзага келганда ишлаб кетиши) керак.

9. Ҳимоя, блокировка ва сигнализация қурилмаларининг ишлаб кетиши, ишлаб чиқарувчи заводларнинг йўриқномаларида назарда тутилган муддатларда, лекин ойига камида бир марта текширилади ва бу ҳақда ихтиёрий кўринишдаги журналга қайд этилади.

10. Газланганликни назорат қилувчи газ сигнализаторларининг белгиланган параметрларга мослигини текшируви назорат газ аралашмаси ёрдамида бажарилади. Газосигнализатор ярқилигини хонани газлаштириш орқали текшириш тақиқланади.

11. Лойиҳада кўзда тутилган блокировка ва сигнализация, назорат-ўлчов асбобларини ўчириб қўйган ҳолда газ жиҳозларидан фойдаланиш тақиқланади.

12. Таъмирлаш ёки текшириш учун олинган асбоблар ўрнига зудлик билан айнан шунга ўхшаш, шу жумладан ишлатиш шароити ҳам ўхшаш бўлган асбоблар билан алмаштирилади.

13. Зарур ҳолатларда ва истисно тариқасида (блокировка, сигнализация ёки назорат-ўлчов асбоблари ишламаганда) ташкилот раҳбарининг ёзма рухсати билан қисқа муддатда айрим қурилма ва агрегатларнинг ҳимоясини узиб қўйган ҳолда ишлатишга рухсат этилади. Бунда ишларни хавфсиз ва бехатар олиб бориш бўйича қўшимча чоратadbирлар кўрилади.

14. Газланганликни аниқловчи узлуксиз ишлайдиган газосигнализаторларни алмаштиришдан олдин ишлаб чиқариш хоналари ҳавосидаги газ миқдори иш сменасининг ҳар ўттиз дақиқасида кўчма асбоблар билан назорат қилиб борилади.

15. Ўлчов воситаларига, автоматик ва телемеханик ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва режали таъмирлаш ишлари улардан фойдаланувчи ташкилотларнинг ихтисослашган хизматлари томонидан ёки белгиланган тартибда рухсатномага эга бўлган ташкилотлар билан шартнома асосида бажарилади.

16. Ҳаво газланган шароитда автоматлаштириш, авариядан ҳимоялаш ва сигнализация тизимларини созлаш ҳамда таъмирлаш ишларини бажариш тақиқланади.

17. Электр жиҳозлари уларни ишлаб чиқарувчи заводларнинг йўриқномалари талабларига мувофиқ равишда ишлатилади.

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига  
4-ИЛОВА

### **Газни тартибга солиш пункти (ГТП) ва газни тартибга солиш қурилмаси (ГТҚ)га хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш**

1. ГТП ва ГТҚнинг иш тартиби лойиҳа ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

2. Шаҳар ва шаҳарчалардаги ГТП жиҳозларини созлаш параметрлари газ таъминоти ташкилотининг раҳбари томонидан белгиланади. Бунда маиший истеъмолчилар учун:

тартибга солишдан кейинги энг юқори ишчи босим 0,003 мегапаскалдан ошмаслиги;

сақлаш-чиқариш клапанлари (жумладан босим тартиблагичларига ўрнатилганлари ҳам) тартиблагичдан кейинги босим максимал ишчи босимдан 15 фоиздан кўп бўлмаган қийматга ошса, газни чиқариб юборишни таъминлаши;

сақлаш-беркитиш клапанлари ишлаб кетишининг юқори босим чегараси максимал ишчи босимдан 25 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

Сақлаш клапанлари ишидаги камчиликлар, шунингдек, газ сизиб чиқиши авария тартибида бартараф этилади.

3. Саноат корхоналарининг ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ГТП ва ГТҚ жиҳозларини созлаш параметрлари лойиҳада кўрсатилади ва ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилишида аниқланади.

Ишчи босимнинг пасайиши ёки ошишига сабаб бўлган тартиблагичлар ва сақлаш клапанларининг ишидаги носозликлар ҳамда газ сизиб чиқиши авария тартибида бартараф этилади.

4. Газ берилиши тўхтаб қолганда сақлаш-беркитиш клапанининг ишлаб кетиш сабаблари аниқланиб, улар бартараф этилгандан сўнг босим тартиблагичи ишга туширилади.

5. Жиҳозлар ва арматураларни таъмирлаш вақтида айланма (байпас) қувур орқали газ беришга рухсат этилади.

Жиҳозлар ва арматураларни таъмирлаш ишлари камида икки нафар кишидан иборат ишчилар бригадаси томонидан бажарилади. Бунда ишловчилардан бири бригада раҳбари бўлиши зарур.

Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари айланма қувуридаги ва сақлаш-чиқариш клапани олдидаги беркитувчи қурилмалар газ хўжалигидан фойдаланувчи ташкилотнинг вакили ҳамда газ таъминоти ташкилоти ходими иштирокида тамғаланади.

6. Жиҳозлар ва ўлчов воситалари жойлашган хонанинг ҳарорати уларни ишлаб чиқарган заводнинг паспорти (йўриқномаси)да кўрсатилганидан паст бўлмаслиги лозим.

Огоҳлантирувчи «Ёнғинга хавfli» деган ёзув, агар ГТП бино ичида жойлашган бўлса — бинонинг ташқарисида, ГТП шкаfli бўлса — унинг эшикларига ёки ГТҚнинг тўсиғига қўйилади.

7. Жиҳозларни қисмларга ажратиш пайтида созлаш қувуридаги ўчириш ускуналари ёпилган ҳолатда бўлиши лозим. Ўчириб қўйилган қисм чегарасида ўчириш ускуналаридан кейин энг юқори газ босимига мос келувчи тикинлар ўрнатилади.

8. Кафолатланган муддатда фойдаланиладиган созлагичларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишлаб чиқарувчи завод паспорти (йўриқномаси) бўйича бажарилади.

Кафолатланган муддат тугагандан сўнг бундай созлагичлар текширув ва сервис хизматидан ўтказилади.

9. ГТПнинг электр жиҳозларини таъмирлаш ҳамда қуйган электр лампаларини алмаштириш ишлари кучланиш узиб қўйилгандан кейин бажарилади. Табиий ёруғлик етарли бўлмаганда портлашдан ҳимояланган кўчма ёриткичлардан фойдаланишга рухсат этилади.

10. Саноат корхоналарига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига қаршли ГТПлар даврий техник тафтишдан ўтказилмаган ёки сақлаш-чиқариш ва сақлаш-беркитиш клапанлари носоз, таъмирталаб бўлган ҳолатларда улардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

11. ГТП хоналари ёнғин ўчириш бирламчи воситалари билан таъминланади.

#### **ГТПнинг асосий хонаси учун ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари рўйхати**

<b>Восита</b>	<b>Микдори</b>	<b>Хонанинг юзаси (квадрат метр)</b>
Углекислотали ёки кукунли ўт ўчиргич	2 та	хамма хоналар
ОУ-2	1 та	50
ОУ-5	1 та	100



ОП-10А	1 та	—
Қумли қути	0,5 куб метр	ҳамма хоналар
Белкурак	1 та	ҳамма хоналар
Асбест мато ёки намат	2×2 метр	ҳамма хоналар

Эслатма: Ўт ўчиргичлар ГТП хонаси ичидаги эшик ёнида жойлаштирилади.

Углекислотали ўт ўчиргичлар ўрнига кукунли ўт ўчиргичлардан фойдаланиш мумкин.

12. ГТП хонасида мойли ва бошқа ёнувчан материалларни сақлаш тақиқланади.

13. ГТПлар жойлашган иморатлар ёки биноларга тақаб қурилган иншоотлар ишлаб чиқариш учун белгиланган А тоифа талабларига жавоб бериши лозим. Улар бир қаватли бўлиб, оловга чидамлилиқ тоифаси I ва II, оғирлиги 1 квадрат метр майдонга 120 килограмм бўлган енгил қопламали конструкция ва поли оғир ёнадиган, зарб берганда учқун чиқармайдиган материаллардан тайёрланган бўлади. Хоналарнинг эшиклари ташқарига очилади.

Тақаб қурилган хоналарда жойлашган ГТП бинодан ёнмайдиган, газ ўтказмайдиган яхлит девор билан ажратилади ва алоҳида чиқиш эшигига эга бўлади.

14. ГТП, ГТҚ эгаси бўлган ташкилотлар томонидан ҳар бир ГТП ва ГТҚнинг улардаги жиҳозлар, назорат-ўлчов асбоблари ва хоналарнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган паспортлари тайёрланади.

Бундан ташқари, ГТПларда уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан текшириш натижалари ёзиб қўйиладиган махсус журнал бўлади.

15. ГТП бино ичида жойлашган бўлса, хонанинг эшигида «Бегона шахсларнинг кириши тақиқланади» деган ёзув бўлиши талаб этилади.

16. ГТҚ ўрнатилган хона кенг бўлиши, ундаги жиҳозлар олдига эркин кириш имконияти бўлиши ва ҳар хил таъмирлаш ишларини бажариш учун бўш майдон бўлиши лозим.

17. ГТП хонаси табиий ҳамда портлашдан ҳимояланган сунъий ёритгичлар билан жиҳозланади.

18. ГТП хонаси уч қаррали табиий ҳаво алмашинуви орқали шамоллатилади. Тоза ҳаво тешикли панжара орқали кириши, ҳавонинг чиқиши эса дарча ёки том ёпқичида ўрнатилган созланувчи дефлектор орқали амалга оширилади.

19. ГТП биноси қўшни объектларнинг яшинга қарши ҳимоя зонасига кирмаган ҳолатларда ГТП хонасининг яшинга қарши ҳимояси ўрнатилади. Агар ГТП биноси бошқа объектларнинг яшинга қарши ҳимояси зонасида жойлашган бўлса, унда фақат ерга уланган ҳимояловчи сим контурлари қилинади.

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига  
5-ИЛОВА

### **Емирилишдан электр кимёвий усулда ҳимоялаш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш**

1. Ер ости пўлат газ қувурлари (кейинги ўринларда газ қувурлари деб аталади) ва СУГ сиғимларидан фойдаланишда емирилишдан ҳимоялашга қўйиладиган талабларига риоя қилиш талаб этилади.

Газ қувурларини электр кимёвий ҳимоя (кейинги ўринларда ЭКХ деб аталади) қилиш воситаларидан фойдаланиш ва газ қувурларида потенциалларни даврий назорат

қилиш ихтисослаштирилган ташкилотлар, хизматлар (гуруҳлар) ва лабораториялар томонидан олиб борилади.

2. Газ қувурларидаги электр потенциалларини ўлчаш ишлари ҳимоя воситалари ишлайдиган жойларда — камида олти ойда бир марта, шунингдек, электрлаштирилган транспорт воситаларининг электр таъминоти тизимидаги иш режимини ўзгариши натижасида ҳар гал емирилиш шароитларининг ўзгариши, газ қувурлари, дайди тоқлар манбалари тармоқлари ва бошқа ер ости металл иншоотлари ривожланиши билан амалга оширилади.

3. Газ қудуқларидаги газ қувурлари потенциаллари фақат фойдаланувчи ташкилотнинг вакили иштирокида хавфсизлик талабларига амал қилинган ҳолда ўлчанади.

4. ЭКХ қурилмаларидан фойдаланувчи ташкилот ҳимоя қурилмаларининг бузилиши ёки ишдан чиқишининг олдини олишга қаратилган техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш тизимини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ҳимоялаш қурилмалари ишидаги бузилишлар тезлик билан бартараф этилади.

5. Электр қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш муддатларини уларни ишлаб чиқарувчи завод белгилайди. Бунда телемеханик назорат воситалари билан жиҳозланмаган ЭКХ қурилмаларини техник кўрикдан ўтказиш ишлари:

дренажли қурилмаларда — ойига камида тўрт марта;

катодли қурилмаларда — ойига икки марта;

протектор қурилмаларда — олти ойда бир марта олиб борилади.

6. ЭКХ қурилмаларининг созлиги ва ишга яроқлилиги йилига камида икки марта, шунингдек, амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда текширилади.

7. Фойдаланилаётган газ қувурларини ҳимоялаш ишларини бажарувчи ташкилотда газ қувурларининг харита-чизмалари, бу хариталарда ЭКХ қурилмалари, назорат-ўлчов пунктлари, тупрокнинг емириш хусусиятлари ва дайди тоқлар манбалари ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар ҳамда газ қувурлари емирилиш ҳолати ва ҳимоя иши самарадорлигининг ҳар йиллик таҳлили мавжуд бўлади.

8. Емирилиш жиҳатидан хавfli зоналар аниқланганда газ таъминоти ташкилоти уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди. Мазкур ишларни бажариш муддатлари газ қувурларини ҳимоялаш ишларини олиб борувчи ташкилот томонидан фойдаланиш шароити инобатга олинган ҳолда аниқланади. Агар емирилиш жиҳатидан хавfli бўлган зоналарни бартараф этиш ишлари белгиланган муддатларда бажарилмаса, газ қувурлари ишлатилаётган газ тармоғидан узиб қўйилади.

Газ таъминоти ташкилотлари емирилиш жиҳатидан хавfli зоналарни бартараф этиш учун газ қувурларидан хавфсиз фойдаланишни таъминловчи қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

9. Газ қувурларининг емирилишдан шикастланиш сабабларини улардан фойдаланувчи ташкилотлар (тармоқ эгалари) аниқлайди. Қувурларнинг емирилиши натижасида тешилиши ҳар бир ҳолатда улардан фойдаланувчи ташкилотларда тузилган комиссия томонидан текширилади.

10. ЭКХ қурилмаларидан фойдаланганда уларнинг созлиги ва ишга яроқлилиги текширилиб, даврий техник кўрикдан ўтказилади.

11. ЭКХ қурилмаларининг созлиги ва ишга яроқлилиги ҳар олти ойда камида бир мартаба текширувдан ўтказилади.

Шунингдек, қурилмаларнинг ишлаш параметрлари ҳар гал ўзгарганда (анод ерланиши оқим қаршилиқларини ўзгаришида ва ҳ.к.), ёндош иншоотларда ЭКХ воситалари ўрнатиш билан боғлиқ бўлган емирилиш шароитлари ўзгарган ҳолатларда, химоя таъсири зонасида қувурлар тизими конфигурацияси ўзгарганда ва янги ер ости иншоотлари ўрнатилганда текширилади.

12. Газ қувурларининг ЭКХ самарадорлиги химояланаётган тармоқларнинг таянч нуқталарида (ЭКХ қурилмаси ўрнатилган нуқтада ва уни ташкил этган химоя чегарасида) потенциалларни ўлчаш орқали аниқланади.

Ўлчашга қулай бўлиш мақсадида газ қувурларининг бинога кириши ва бошқа элементлари ҳамда уланиш учун назорат-ўлчов пунктларидан фойдаланиш мумкин.

13. Аввал химоя талаб қилмаган газ қувурлари участкаларида дайди тоқларнинг хавфли таъсир қилишини аниқлаш учун электр потенциалларни ўлчаш ишлари барча нуқталарда икки йилда бир маротаба, шунингдек, емирилиш шароитлари ҳар гал ўзгарганда амалга оширилади.

14. Химояловчи фланецли уланишнинг созлиги ўн икки ойда камида бир маротаба текширилади.

15. Ер ости ва ер усти газ қувурлари бир-бири билан электрдан химояловчи ускунали фланецлар орқали уланади.

Газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига  
6-ИЛОВА

### **Авария вазиятларининг олдини олиш ва бартараф этиш ишларини ташкил этиш**

1. Аҳоли пунктларидаги газ таъминоти ташкилотларида аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун дам олиш ва байрам кунларини инобатга олган ҳолда кечаю-кундуз ишлайдиган, авария диспетчерлик хизматлари (кейинги ўринларда АДХ деб юритилади), уларнинг филиаллари ва постлари ташкил этилади. АДХ ва уларнинг филиаллари штатлари, моддий-техник таъминоти, шунингдек, техник ва оператив-фойдаланиш ҳужжатлари газ таъминоти ташкилотлари томонидан белгиланади ва юқори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланади.

2. Таркибида АДХ мавжуд бўлмаган фойдаланиш бўлимлари, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш учун мавжуд АДХга ёки уларнинг энг яқин жойлашган филиалига (газ таъминоти ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан) бириктирилади.

Ушбу бўлимларда авариявий ишлар газ хўжалиги ташкилотлари АДХнинг раҳбарлиги, назорати ва ёрдамида бўлим ходимлари томонидан бажарилади.

3. Газ таъминоти тизимларидан фойдаланадиган ташкилотлар, авария ишларини ўзларининг газ хизмати кучлари ва воситалари билан амалга оширадilar.

Ўзларининг газ хизмати мавжуд бўлган ташкилотларнинг авария чақирувларига кўра газ таъминоти ташкилотларининг АДХлари аварияларнинг олдини олишда ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этади ҳамда уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

4. Авария ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бригадаларининг фаолияти уларнинг тегишли режасида ҳамда ҳар бир ташкилот томонидан маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган, турли ташкилотларнинг тегишли хизматлари билан биргаликда ишлаш режасида белгиланади.

Режаларни ишлаб чиқиш, ўз вақтида уларга қўшимча ва ўзгартишларни киритиш, уларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (уч йилда камида бир марта) учун жавобгарлик газ таъминоти ташкилотининг раҳбари зиммасига юкланади.

5. Ҳар бир ташкилотда авария бригадалари билан қуйидаги муддатларда амалий машғулотлар ўтказилиб, ишчи-ходимларнинг тезкор хатти-ҳаракатларига баҳо берилади: аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш режаси бўйича ҳар бир бригада учун режадаги мавзуга оид — ҳар олти ойда камида бир марта;

турли ташкилотларнинг тегишли хизматлари билан биргаликда ишлаш режалари бўйича — йилига камида бир марта.

Машғулотлар ҳақиқий шароитга мумкин қадар яқинлаштирилган ҳолда ўтказилади ва газ таъминоти ташкилотининг махсус журналида қайд қилинади.

6. АДХга тушган барча талабномалар махсус журналда қайд қилиб борилади. Журналда талабнома келган вақт, қисқа мазмуни, мурожаат қилувчининг манзили, фамилияси, исми, шарифи, авария бригадаси чиқиб кетган ва манзилга етиб борган вақт ҳамда шикастланишлар тури ва бажарилган ишлар кўрсатилади.

Талабномаларнинг ўз вақтида бажарилиши ва ишлар ҳажми газ таъминоти ташкилотининг раҳбари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилади.

7. Газ мавжудлиги ҳақида талабнома олган диспетчер, талабнома берувчига зарур хавфсизлик чораларини кўриш ҳақида тушунтириш беради.

8. Авариялар ҳақидаги талабномаларни бажариш ишларини ташкил қилишга АДХ бригадаси авария юз берган жойга 40 дақиқадан кўп бўлмаган вақтда етиб бориши зарур. Портлаш, ёнғин, хоналарнинг газланганлиги ҳақидаги хабарномалар бўйича АДХ бригадаси авария жойига 5 дақиқа ичида чиқиб кетиши лозим.

9. Ташқи газ қувурларида юз берган аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун махсус автомашинада чиқиб кетаётган авария бригадасида йўналиш хариталари ва зарурий ижро-техник ҳужжатлар (газ қувурининг планлари, жойлашган ўрни, ўлчамлари, пайванд чоклар схемалари) бўлиши талаб этилади.

10. Авария автомашиналари қуйидагилар билан жиҳозланади:

ер ости ва ер усти газ қувурлари, улардаги жиҳозларнинг чизмалари — 1 тўплам;

асбоблар учун қути — 1 та;

углекислотали ўт ўчиргичлар — 2 та;

кукунли ўт ўчиргичлар — 2 та;

газ сизиб чиқишини аниқловчи асбоб — 1 та;

узонлиги 4 метргача бўлган йиғма нарвон — 1 та;

йўл белгилари тўплами — 1 комплект;

индивидуал ҳимоя воситалари тўплами — 2 та;

асбест намат — 5-6 квадрат метр;

тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар билан таъминланган қутича —

1 та;

шланг узунлиги 10 ва 20 метрли противогазлар — 2 та;

челаклар — 3 та;

ҳар хил ўлчамлардаги болтлар ва гайкалар — 20 та;

ҳар хил қалинликдаги паронитлар — 4 та;

учли белкураклар — 3 та;

кетмонлар — 2 та;

ломлар — 2 та;

қора металл кувалда — 1 та;

қувурлар қопқоғини очиш учун илгаклар — 2 та;

ҳар хил ўлчамлардаги газ калитлари — 2 тўплам;

графитли сурувчи мой — 0,5 килограмм;  
дурадгорлик катта болтаси — 1 та;  
ҳар хил ўлчамдаги чилангарлик зубилалари — 4 та;  
гайка калитлари тўплами — 2 та;  
ташқи ва ички калитлар тўплами — 2 та;  
қора металл болға — 2 та;  
қўл билан бурғулаш қурилмаси тўплами — 2 та;  
суюқлик манометрлари — 2 та;  
пружинали манометрлар — 2 та;  
хўжалик совуни — 2 та;  
супурги — 1 та;  
каскалар — 5 та;  
ҳар хил эговлар тўплами — 1 та;  
2 квадрат метрдан кам бўлмаган қопли мато — 2 та;  
арра — 2 та;  
металл кесадиған пичоқ — 1 та;  
2 квадрат метрдан кам бўлмаған резинали прокладқалар — 2 та;  
ҳар хил ўлчамлардаги конусли тахта тикинлар — 6 та;  
ҳар хил ўлчамлардаги металл тикинлар — 10 та;  
диаметри 10 миллиметр бўлған сальникли зичлагичлар — 5 метр;  
диаметри 50 миллиметрдан 700 миллиметргача бўлған металл бандажлар — ҳар бири 1 тўпландан;  
15 миллиметрдан 50 миллиметргача бўлған сгонлар тўплами — ҳар бири 5 тадан;  
ҳар хил диаметрдаги тирсақлар — 5 та;  
чўнтақ фонарлари — 5 та;  
арқон — 20 метр.

11. Авария бригадасининг авария юз берған жойга ўз вақтида етиб боришига ҳамда аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режасига мувофиқ ишларнинг бажарилиши учун АДХ раҳбари жавоб беради.

Авария машиналаридан бошқа мақсадларда фойдаланиш ва АДХ ходимларини лавозим йўриқномасидан бошқа ишга жалб қилиш тақиқланади.

12. Ертўлалар, туннеллар, коллекторлар, йўлак (подъезд)лар, бинонинг биринчи қаватидаги хоналарда табиий газнинг ҳажмий миқдори 1 фоиздан ёки СУГнинг миқдори 0,4 фоиздан ортиқлиги аниқланғанда газ қувурлари таъминот тизимидан зудлик билан узиб қўйилади ва хавfli жойдан одамларни эвакуация қилиш чоралари кўрилади.

13. Шикастланған газ қувурига (газ сизиб чиқишини вақтинча тўхтатиб туриш учун) бу жойни мунтазам назорат қилиб туриш шарти билан бандаж ёки хомут ўрнатишга рухсат этилади.

Бандаж ва хомутлар ўрнатилған ер ости газ қувурларини кўмиш тақиқланади.

Ички газ қувурларида бандаж ёки хомутнинг туриш муддати бир сменадан (8 соатдан) ошмаслиги керак.

14. АДХ портлаш, ёнғин ва заҳарланишлар содир бўлиши эҳтимолининг олдини олиш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар кўрилғандан кейин авариялар ёки авария ҳолатларини бартараф этиш ишларини газдан фойдаланиш хизматларига топшириши мумкин.

